



Муаллиф: Абдуллох Жоруллох ал-Жоруллох

Мутаржим: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Бисмиллахир рохманир рохийм

1. Бу муборак ой – муҳосаба вактидир. Шунинг учун амалларингни тадқик эт ва хаётингни тузат!
2. Тарових намозларини жамоат билан адо эт! Чунки расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Имом билан, то у намозини тугатгунига кадар, намоз ўқиган одамга кечани (ибодат билан) бедор килган кишининг савоби ёзилади**»- дедилар.
3. Молу-мулк ва бошка нарсаларда исроф килишдан саклан! Чунки исроф килиш харомдир ва ажр олишинг мумкин бўлган садакаларингдаги улушингни камайтиради.
4. Рамазонда чиниккан нарсаларингга рамазондан кейин хам давом этишига интил!
5. Замоннинг ўтиши ва умрнинг кетишига сабаб бўлаётган холатлардан ибрат ол!
6. Тилингни доимо зикр килишга одатлантир ва Аллоҳни оз зикр киладиганлардан бўлма!
7. Очликни хис этган пайтингда заиф эканинг, таом ва Аллоҳнинг бошка неъматларига муҳтоҷ эканингни эсла!
8. Сенга фойда эмас, зарар берадиган нарсалардан сакланиш учун, бу ойни доимо ганимат бил!



9. Амал омонат эканини бил ва ўзингни текшириб кўр: уни лойик бўлганидек адо этдингми ёки йўкми,!

10. Сенинг килган яхшиликларингдан олишларидан аввал, жабр килган одамларингдан кечирим сўра!

11. Сен рўзадор бўлиб ифтор килишга харакат кил, рўзангнинг савоби ўзингга колсин!

12. Аллоҳ таъолонинг караммилар караммилориги, раҳммилар раҳммилориги бўлиб, тавбакорларнинг тавбасини кабул килиши ва азобини кечиктирса-да, эътиборсиз кўймайдиган, жазоси каттиқ зот эканини унутма!

13. Гуноҳ ишни килсанг-у, Аллоҳ уни пардаласа, бу сенинг тавба килишинг учун огохлантиришдир. Сен тавба килишга шошил ва у гуноҳни кайта килмасликка аҳд кил!

14. Аллоҳ таъоло нафсни харом бўлмаган нарсалар билан шодлантиришни мубоҳ килган бўлса-да, лекин, вактнинг барчасини кўнгил очиш учун сарфлаш, яхшиликларнинг зиёда бўлишига тўскинлик килишини унутма!

15. Куръон Карим тафсирлари ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг хадислари, хаёти ва дин илмларини кўпроқ ўрганишга тириш! Чунки илм излаш ибодатдир.

16. Бадхулк одамлар билан бирга ўтирма ва солих одамлар билан хамсухбат бўл!

17. Масжидларга барвакт бориш ибодат, Холикка муножот килиш



билин унс топиш ва шавк олишга катта далилдир.

18. Кўл остингдаги барчани, диний манфаатлари бўлган нарсаларга йўлла! Чунки улар сендан, бошкалардан кўра осонрок кабул киладилар.

19. Ифтор дастурхонига кўйиладиган таомлар сонини кўпайтирма! Чунки бу, оила аъзоларингни рамазоннинг кундузлари Куръон тиловати ва бошка ибодатлардан чалгитади.

20. Рамазонда, хусусан, кечалари, бозорларга озрок бор! Чунки ундаи килишинг кимматбахо вактингнинг зое бўлишига сабабдир.

21. Бу муборак ой - узок колмайдиган меҳмондир. Уни чиройли меҳмон кил! Чунки у кетганидан сўнг, тезда кўмсаб колишинг мумкин.

22. Сўнгги ўн куннинг кечаларини ибодатлар билан бедор ўтказишга тириш! Чунки у кечалар - фазилатли кечалардир. У кечалар ичida минг йилдан кўра хайрлирок бўлган Кадр кечаси бор.

23. Хайт куни - Аллоҳ таъолога шукр килиш кунидир. Сен у кунни рамазон ойида нафсинг одатланган нарсалардан кутилиш куни килиб олма!

24. Ўзинг шоду хуррам бўлган хайт кунида, етимлар ва ногиронларни хам эсла! Чунки сени улар олдида соглом килиб кўйган зот, бу холатни ўзгартириб кўйишга хам кодирдир. Шунинг учун хам, шукроналар келтириш ва хамдард бўлишга шошил!

25. Шаръий сабабсиз рамазон рўзасини бузма! Чунки рамазон кунларининг бирида рўза тутмаган одам, умр бўйи рўза тутса-да, у

куннинг бадалини тўлай олмайди.

26. Оз бўлса-да, эътикофдан насибангни ол!
27. Хайит куни намозни ўқигунга кадар, такбирни чиройли айт!
28. Нафл рўзалардан хам насибангни ол! Рўзага рамазон ойидан бошка пайларда хам ўрток бўл!

29. Барча ишларингда нафсингни текшириб кўр: Намозни жамоат билан ўқидингми? Закотни бердингми? Силаи раҳм ва ота-онангга яхшилик килдингми? Кўшнинг билан муносабатинг кандай?

Ўртангизда адоват бўлган одамни кечирдингми? Исроф килдингми ёки йўкми? Кўл остингдаги кимсаларни тарбия килдингми, йўкми? Мусулмон дўстларинг ишига эътибор бердингми? Мансабингни ўз манфаатинг йўлида ишлатдингми? Насихат килинса шод бўлиб, кабул килдингми? Риёдан сакландингми? Дўстларингга ўзинг севган нарсаларни илиндингми? Одамлар ўртасини ислоҳ килиш учун харакат килдингми? Дўстларингни гийбат килдингми? Куръонни тиловат килиб, маънолари хакида тафаккурда бўлдингми? Куръон эшифтганда хушуъда бўлдингми?

Аллоҳ таъоло пайгамбаримиз, Унинг оиласи ва барча сахобаларига салавот ва саломлар йўлласин.

15 ноябрь, 2002 йил.